

А Ж Р И М
(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш
тўғрисида)

2022 йил ноябрь ойининг 11 куни соат 15:00да, жиноят ишлари бўйича Янгиобод туман судининг очиқ суд мажлиси, Зомин туман судининг биносида бўлиб, раислик қилувчи судья И.Карабаев, судья ёрдамчиси З.Кобиловнинг котиблигида, томонлардан Зомин туман прокурорининг ёрдамчиси З.Кенжаева, судланувчи А.Мирзаев ҳамда жабрланувчи М.Абдиеванинг иштирокида, судланувчи М.А.га нисбатан №1-1313-2201/42-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

М.А1991 йил 17 май куни Шаҳрисабз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Зингирон МФЙ, Некуз кўчаси, 73-уйда яшайди, унга нисбатан гаров эҳтиёт чораси қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчи А.Мирзаевга оид жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.А., 2022 йил 30 август куни соат 12:00 ларда ўзига тегишли бўлган CHEVROLET/SPARK русумли 70 F 488 NA давлат белгили автомашинани тегишли ҳужжатлар асосида Зомин тумани ҳудудидан ўтган 4P40 (Даштобод-Зомин-Супа-Бахмал-Ғаллорол) автомобиль йўлининг 53-километрида Супа-Зомин йўналиши бўйлаб бошқариб кетаётиб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди 3-қисмида “Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташини таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиши чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган талабларини қўпол равишда бузиб, йўлнинг қатнов қисмини унга нисбатан ўнг томондан чап томонга кесиб ўтаётган пиёда Абдиева Мақсуда Эгамбердиевнани автомашинасининг олд ўнг томони билан уриб юбориши натижасида йўл-улов ҳодисаси содир бўлган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 12.09.2022 йилдаги 787-сонли хулосасига кўра, фуқаро Абдиева Мақсуда Эгамбердиевнанинг олган тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича “Оғир тан жароҳати”- деб баҳоланган.



Судга, судланувчи А.Мирзаев ва жабрланувчи М.Абдиевалар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Судланувчи М.А. суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқдор эканлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ўз ихтиёрлари билан ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Абдиева Махсуда Эгамбердиевна суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчи А.Мирзаевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, судланувчи ундан кечирим сўраганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган оқибатларини тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишликни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ҳамда етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи М.Абдиева ҳамда судланувчи А.Мирзаевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурорнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи А.Мирзаев айбига тўлиқ иқдорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ бартараф қилинганлигини, жабрланувчи судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув судланувчи ва жабрланувчини хоҳишлари билан ихтиёрий бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишлигини инобатга олиб, судланувчи А.Мирзаевга нисбатан юритилган жиноят ишини тарафлар ярашганлик муносабати билан тугатишни ва гаровга қўйилган CHEVROLET/SPARK русумли 70 F 488 NA давлат белгили автомашина ажрим қонуний кучга киргандан сўнг, гаровга қўювчи А.Мирзаевга қайтаришни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи М.Абдиевани Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.



Суд, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган деб ҳисоблашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларини қўллаб, суд,-

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Судланувчи М.А.ни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланишга оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг, А.Мирзаевга нисбатан қўлланилган гаровга эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаровга қўйилган CHEVROLET/SPARK русумли 70 F 488 NA давлат белгили автомашина гаровга қўювчи А.Мирзаевга қайтарилсин.

Жабрланувчи М.Абдиевага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Судланувчи А.Мирзаев томонидан жабрланувчи М.Абдиевага моддий зарар тўлиқ қопланган деб ҳисоблансин.

Ажрим устидан эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчига ажримнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Жиззах вилоят судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи
Нусхаси аслига тўғри.

(имзо)

И.Карабаев



Ҳужжат имзоланган: Карабаев Илхом Гуломович, 01.12.2022



СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ

2022 йил ноябрь ойининг 3 кунини соат 11:00да, жиноят ишлари бўйича Янгиобод туман судининг очиқ суд мажлиси, Зомин туман судининг биносида бўлиб, раислик қилувчи судья И.Карабаев, судья ёрдамчиси З.Кобиловнинг котиблигида, томонлардан Зомин туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Муратовнинг иштирокида суд мажлиси бошланди.

Раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 428-моддаси тартибида суд мажлисини очди ва очиқ суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчи М.А.га нисбатан №1-1313-2201/42-сонли жиноят иши кўрилишини эълон қилди.

Раислик қилувчи суд мажлиси котибига суд муҳокамасига келган-келмаган шахслар тўғрисида ахборот беришни таклиф қилди.

Суд мажлиси котиби Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 429-моддаси тартибида ахборот берди: суд мажлисига давлат айбловчисини ҳозирлигини, бироқ судланувчи келмаганлигини маълум қилди.

Раислик қилувчи судланувчи келмаганлиги сабабли, суд мажлисини 2022 йил 10 ноябрь кунини соат 11:00га қадар қолдириб, танаффус эълон қилди.

Суд мажлиси 2022 йил 10 ноябрь кунини соат 11:00да давом этди.

Раислик қилувчи суд мажлиси котибига суд муҳокамасига келган-келмаган шахслар тўғрисида ахборот беришни таклиф қилди.

Суд мажлиси котиби Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 429-моддаси тартибида ахборот берди: суд мажлисига давлат айбловчисини ҳозирлигини, бироқ судланувчи келмаганлигини маълум қилди.

Раислик қилувчи судланувчи келмаганлиги сабабли, суд мажлисини 2022 йил 11 ноябрь кунини соат 14:00га қадар қолдириб, танаффус эълон қилди.

Суд мажлиси 2022 йил 11 ноябрь кунини соат 14:00да давом этди.

Раислик қилувчи суд мажлиси котибига суд муҳокамасига келган-келмаган шахслар тўғрисида ахборот беришни таклиф қилди.

Суд мажлиси котиби Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 429-моддаси тартибида ахборот берди: суд мажлисига давлат айбловчиси ва ҳимоячини ҳамда судланувчи ҳозирлигини, бироқ жабрланувчи ҳозирги кунда уйда оғир аҳволда ётганлигини, уни суд мажлисига кела олмаслигини маълум қилди.

Раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 431-моддаси тартибида суд таркибини эълон қилди ва кимлар давлат айбловчиси, адвокатким суд мажлиси котиби эканлигини маълум қилди.

Раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга уларнинг судьяни, суд таркибини ёки тарафлардан биронтасини рад қилиш ҳуқуқларини тушунтирди.

Раислик қилувчи судья, суд таркибига ёки тарафлардан биронтасига раддия қилиш бўйича тарафлар фикрларини сўради.

Тарафлардан ҳеч қандай раддиялар бўлмади.

Раислик қилувчи Республикаси ЖПКнинг 434-моддаси тартибида судланувчининг шахсини аниқламоқда ва ундан жавоб беришни сўради:

М.А. (Mirzayev Azizbek Mahtudovich)- 1991 йил 17 май кунини Шаҳрисабз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта,



бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳари, Зингирон МФЙ, Некуз кўчаси, 73-уйда яшайди, унга нисбатан гаров эҳтиёт чораси қўлланилган.

Раислик қилувчининг саволига жавоб:

- Ҳа, мен ўзбек тилини тўлиқ тушунаман.

- айблов далолатномаси нусхасини 17.10.2022 йил куни олганман.

Раислик қилувчи судланувчининг шахси бўйича тарафларда саволлар бор йўқлиги тўғрисида сўради.

Саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 435-моддаси тартибида судланувчи А.Мирзаевга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларини тушунтирди.

Судланувчи А.Мирзаев Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддаси назарда тутилган ҳуқуқлари тушунганлигини маълум қилди.

Судланувчи А.Мирзаев жавоби: Менга ҳуқуқларим тушунарли, суд таркибига эътирозим йўқлигини, мен ҳимоячи Ш.Ибрагимовни ҳимоясидан воз кечаман, суд мажлисида ўз ҳуқуқларимни ўзим ҳимоя қиламан ҳамда ушбу бўйича ариза тақдим қиламан.

Жараён видео тасвирга олинди.

Раислик қилувчи судланувчи ва ҳимоячини алоҳида гаплашиб олишлиги учун алоҳида хонага чиқишди ва суд мажлиси залига кириб, ҳимоячидан воз кечганлигини маълум қилишди.

Судланувчи ҳимоячидан воз кечганлиги ҳақидаги аризасини тақдим қилди.

Раислик қилувчи судланувчини ҳимоячидан воз кечиш ҳақидаги аризасини қаноатлантирди. Ҳимоячи суд мажлисини тарк этди.

Раислик қилувчи жабрланувчи ҳозирги кунда уйда оғир аҳволда ётганлигини, уни суд мажлисига кела олмаслиги сабабли, суд мажлисини 2022 йил 11 ноябрь соат 15:00га қадар танаффус эълон қилди.

Суд мажлиси 2022 йил 11 ноябрь соат 15:00да сайёр суд мажлиси Зомин тумани Дуоба МФЙ Усмонсой қишлоғида давом этди.

Раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 431-моддаси тартибида суд таркибини эълон қилди ва кимлар давлат айбловчиси ким суд мажлиси котиби эканлигини маълум қилди.

Раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга уларнинг судьяни, суд таркибини ёки тарафлардан биронтасини рад қилиш ҳуқуқларини тушунтирди.

Раислик қилувчи судья, суд таркибига ёки тарафлардан биронтасига раддия қилиш бўйича тарафлар фикрларини сўради.

Тарафлардан ҳеч қандай раддиялар бўлмади.

Раислик қилувчи жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 55-моддасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирди.

Жабрланувчи М.Абдиева Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 55-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунганлигини маълум қилди.

Раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 438-моддаси тартибида тарафлардан суд тергови бошланмасдан аввал ариза ва пимосномалари бор-йўқлигини сўради.



Жабрланувчи М.Абдиева ва судланувчи А.Мирзаев ариза билан мурожаат қилиб, ихтиёрий ярашганлигини маълум қилди.

Раислик қилувчи жабрланувчини таклиф қилди ва шахсини аниқлада:

Абдиева Махсуда Эгамбердиевна - 1985 йил 15 декабрь куни Зомин туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, турмушидан ажрашган, хамшира, Зомин тумани, Дуоба МФЙ Усмонсой қишлоғидаяшайди.

Раислик қилувчи тарафлардан жабрланувчининг шахсига оид саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи жабрланувчини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238, 240-моддасига кўра, кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирди.

Раислик қилувчининг саволи: Сизга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238, 240-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик тушунарлими?

Жабрланувчи жавоби: Менга ҳуқуқ ва мажбуриятларим тушунарли.

Раислик қилувчи суд мажлиси котибидан жабрланувчидан огоҳлантирилгани ҳақида тилхат олишни таклиф қилди.

Жабрланувчидан тилхат олинди.

Раислик қилувчи жабрланувчига ярашув тўғрисидаги аризасини ўқиб эшиттириш учун сўз берди.

Жабрланувчи М.Абдиеванинг ярашув тўғрисидаги аризаси.

-Мен судланувчи А.Мирзаевга нисбатан ҳеч қандай даъвом йўқ, менга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган, ярашганлик тўғрисидаги аризани ихтиёрий ўз хоҳишим билан ёздим, менга бирон-бир тазйиқ бўлмаган, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган оқибатларни тушундим, жиноят ишини тугатишликни сўрайман.

Менга ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан суд ярашувни тасдиқласа, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқим йўқотилиши тўғрисида тушунтирилди.

Жабрланувчи аризасини ёзма равишда тақдим қилди.

Раислик қилувчи жабрланувчининг аризасини иш хужжатларига қўшиб қўйди.

Раислик қилувчининг жабрланувчига саволи: Ярашув ихтиёрийми ва унинг сабабини айтинг?

Жабрланувчи жавоби: Биз судланувчи билан ярашиб олдик, мен ярашувга ўз ихтиёрим билан рози бўлдим, уни кечирганим учун.

Раислик қилувчининг жабрланувчига саволи: Сизга нисбатан бирон-бир тазйиқ бўлганми?

Жабрланувчи жавоби: Менга ҳечким тазйиқ ўтказмади.

Раислик қилувчининг жабрланувчига саволи: Судланувчига нисбатан бирон-бир даъвоингиз борми?

Жабрланувчи жавоби: Менинг судланувчига ҳеч қандай даъвоим йўқ, менга моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланди.

Раислик қилувчининг жабрланувчига саволи: Ярашувга розимисиз?

Жабрланувчи жавоби: Ҳа, ярашувга розиман.



Раислик қилувчининг жабрланувчига саволи: Сизга ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисми талаблари тушунарлими?

Жабрланувчи жавоби: Ҳа, менга ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисми талаблари, яъни ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин мен мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотаман.

Бошқа саволлар бўлмади.

Судланувчи А.Мирзаев ярашганлик тўғрисидаги аризасини ёзма равишда тақдим қилди.

Раислик қилувчи аризани иш ҳужжатларига қўшиб қўйди.

Раислик қилувчининг судланувчи А.Мирзаевга саволи: Ярашув ихтиёрийми ва унинг сабабини айтинг?

Судланувчи А.Мирзаев жавоби: айбимга тўлиқ иқрорман, қилмишимдан чин кўнглидан пушаймонман, содир этган қилмишимнинг оқибатларини англадим, жабрланувчиларга етказилган зарарни тўлиқ қопладим, ҳозирда жабрланувчилар билан бирон-бир тазйиқсиз ўз ихтиёрим билан ярашиб олдим, жиноят ишини тугатишни сўрайман.

Раислик қилувчининг судланувчи А.Мирзаевга саволи: айбингизга иқрормисиз?

Судланувчи А.Мирзаев жавоби: Мен айбимга тўлиқ иқрорман.

Раислик қилувчининг судланувчи А.Мирзаевга саволи: Содир этган қилмишингиз оқибатларини англаганмисиз ва етказилган зарарни бартараф этганмисиз?

Судланувчи А.Мирзаев жавоби: Мен содир этган қилмишимдан пушаймонман, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қопладим.

Раислик қилувчининг судланувчи А.Мирзаевга саволи: Сизга нисбатан бирон-бир тазйиқ бўлганми?

Судланувчи А.Мирзаев жавоби: Менга ҳечким тазйиқ ўтказмади.

Раислик қилувчининг судланувчи А.Мирзаевга саволи: Ярашувга розимисиз?

Судланувчи А.Мирзаев жавоби: Ҳа, менга нисбатан жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишингизни сўрайман.

Бошқа саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи суд мажлисини 2022 йил 11 ноябрь куни соат 17:00 га жиноят ишлари бўйича Зомин туман суди биносида давом эттиришни маълум қилиб, танафус эълон қилди.

Суд мажлиси 2022 йил 11 ноябрь куни соат 17:00 ларда давом этди.

Раислик қилувчи прокурорга сўз берди.

Прокурор фикри.

-Ҳурматли суд! Ушбу жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчи А.Мирзаевга нисбатан юритилган жиноят иши бўйича жабрланувчиларнинг даъвоси йўқ, уни айбига иқрорлиги, зарарни қоплаганлиги учун ишни ярашув билан ҳаракатдан тугатишингизни сўрайман.

Раислик қилувчи алоҳида хонага суд ажримини чиқариш учун кириб кетди.

Алоҳида хонадан қайтиб чиқиб, раислик қилувчи ажримнинг қарор қисмини эшиттирди.



Раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга ажримнинг мамунини, уни устидан улар истаги бўйича Жиззах вилоят судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест бериш муддати ва тартибини, суд мажлиси баённомаси билан танишиш ва унга ўз мулоҳазаларини бериш ҳуқуқларини тушунтирди.

Суд мажлиси ёпиқ деб эълон қилинди.

Раислик қилувчи:

И.Карабаев

Суд мажлиси котиби:

З.Кобиров

